Фарзларни ўз аҳлига беринглар, ортиб қолгани эса энг яқин эркак кишигадир», – дедилар

Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинади: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Фарзларни ўз аҳлига беринглар, ортиб қолгани эса энг яқин эркак кишигадир», – дедилар.
[Саҳиҳ] [Муттафақун алайҳ]

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам меъросни тақсимлаётганларни Аллоҳ хоҳлагандай, шариат асосида одил равишда тақсимлашга буюрдилар. Аллоҳ белгилаб берган фарз эгаларига ўз ҳиссаларини берсин. Ҳиссалар – учдан икки, учдан бир, олтидан бир, ярим, тўртдан бир ва саккиздан бир бўлиб бўлинади. Бўлиниб битгач қолгани маййитга энг яқин эркакларга берилади ва уни «Асоба» деб номлайдилар.

http://www.sunnah.global/hadeeth/uz/show/5887